

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ**

БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик”

**фанидан талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ижодий
иш шаклида ташкил этиш дастури, баҳолаш мезонлари ва ўтказиш**

ТАРТИБИ

Бухоро – 2020

КИРИШ

Талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ўтказиш бўйича тузилган ушбу дастур «Қалам тасвир, ранг тасвир ва ҳайкалтарошлик» фанлари ўқитиладиган техникак олий таълим муассасаларига мўлжалланган.

Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси, Давлат таълим стандартлари, малака талаблари ҳамда намунавий фан дастури асосида тузилган.

Мазкур дастурда 5340100 – “Архитектура” (турлари бўйича), 5341000 “Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш» таълим йўналишлари учун «Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик» фанидан ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ўтказиш ҳақида маълумотлар берилган.

Ташкилий кўмита таркиби:

- Саъдуллаев Н.Н. – Раис, БухМТИ Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор;
- Мамадалиев А.Ю. – Раис ўринбосари, ОўМТВ Иқтидорли ёшларни сарлаш, академик лицейлар ва ихтисослашган таълим муассасалари бўлими бошлиғи;
- Қувончева М. – масъул котиб, ИТИТФТЭ бўлими бошлиғи;
- Ядгаров Ў.Т. – аъзо, БухМТИ “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси мудир, т.ф.н., доцент;
- Хаитов Б.У. – аъзо, БухМТИ “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси доценти, т.ф.н;
- Тошев И.И. – аъзо, БухМТИ “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси катта ўқитувчиси;
- Наимов С.Т. – аъзо, БухМТИ “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси катта ўқитувчиси;
- Хамракулов.А.К – аъзо, НамМҚИ, "Қурилиш-архитектура" кафедраси мудир, п.ф.н., доц.;
- Ўринбоев. Ш. – аъзо, СамАҚИ, "Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси" кафедраси мудир, т.ф.н., доцент.

I. боб. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур дастур талабалар ўртасида Республика онлайн фан олимпиадасини (кейинги ўринларда Олимпиада деб юритилади) ташкил этиш, ўтказиш ҳамда унда қатнашиш ва олимпиада ғолибларини аниқлаш тартибини белгилайди.

1.2. Олимпиадани ўтказишга Вазирлик ҳузуридаги Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси, Таълим муассасаларида электрон таълимни ривожлантириш маркази ҳамда Бухоро муҳандислик-технология институти масъул ҳисобланади.

1.3. Олимпиада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 176-сон қарорида белгиланган талабларни инобатга олиб, олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда ОТМ деб юритилади) талабаларининг мутахассислик ва умумқасбий фанлар бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш, ривожлантириш ва уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқаришга кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган.

1.4. Олимпиадани ташкил этиш юзасидан Вазирликнинг буйруғи асосида Олий таълим муассасалари талабалар ўртасида ўтказиладиган республика фан олимпиадасини онлайн шаклида ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби юқоридаги шакл бўйича тасдиқланган.

1.5. Ташкилий қўмита олимпиаданинг ташкилий-техник ва ахборот тизимларини ташкил этиш, олимпиада ғолиблари ва иштирокчиларини рағбатлантириш вазифаларини таъминлайди.

1.6. Олимпиада ҳар бир Олий таълим муассасаси томонидан таълим муассасининг тавсиясига биноан 3 та гача талаба иштирок этиши мумкин ҳамда ушбу иштирокчилар учун ягона ахборот порталини яратиш ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳамда назорат қилиш талаба таҳсил олаётган олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

1.7. Олимпиада “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фанидан ижодий иш тақдимоти шаклида ўтказилади.

1.8. Олимпиаданинг адолатли ўтказилишини назорат қилиш ҳамда натижаларини таҳлил этиш вазирликнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

II. 606. ФАН ОЛИМПИАДАСИНИ ОНЛАЙН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Олимпиада жорий йилнинг май ойининг 27-28 куни ўтказилади.

2.2. Олимпиада иштирок этувчи талабалар жорий йилнинг 5-15 май кунлари вазирликнинг olimpiada.edu.uz портали орқали танлаган фани бўйича электрон рўйхатдан ўтишлари керак.

2.3 “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фани бўйича рўйхатдан ўтган талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда, олимпиадани ўтказиш санаси ва вақти бўйича жадвал шакллантирилади ва жорий йилнинг 20 май куни olimpiada.edu.uz порталига жойлаштирилади.

2.4. Электрон рўйхатдан ўтган талабаларни шахсини тасдиқлаш ишлари ОТМлар томонидан жорий йилнинг 18-20 май кунлари амалга оширилади.

2.5. «Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадаси алоҳида келишилган жонли видео конференция тизимлари (Zoom, JitsiMeet) орқали тўғридан-тўғри яъни, онлайн тарзида ўтказилади ва назорат қилинади. Шу сабабли иштирок этувчи талабалар ва уларнинг илмий раҳбарлари (ҳар бирлари алоҳида) шахсий ноутбук, компьютер ёки мобил телефон қурилмаларига видео конференция тизимларидан (Zoom, JitsiMeet) фойдаланиш имкониятини берадиган дастурини ва иловаларни юклаб олиши ва уни техник соз ҳолатда бўлишини таъминлашлари зарур. Олимпиада ҳужжатларини, иштирокчилар бажарадиган ишларни, тарқатма материалларни қабул қилишда, алмашишда ва хайъат аъзолари ўзаро мулоқат ўрнатишда бошқа алоқа тизимлари (telegram) ҳам қўлланилиши кўзда тутилган. Талабалар берилган топшириққа тайёргарлик кўраётган ва унга жавоб бераётган вақтда уларнинг ёнида ҳеч ким бўлмаслиги, ҳалақит бермаслиги (асосан илмий раҳбарлари), бўлса ҳам номутахассис шахс бўлиши талаб этилади. Барча ОТМлар юқоридаги масалалар юзасидан талабалар ва уларнинг илмий раҳбарларига шарт-шароитлар яратиб бериши ва номақбул ишларни олдини олишлари зарур.

2.6. Талабалар танлаган фанлари бўйича олимпиадани ўтказиш санаси ва вақти бўйича жадвал асосида olimpiada.edu.uz порталига киришлари лозим бўлади.

2.7 Олимпиада ўтказилган “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фани бўйича ижодий иш шаклидаги топшириқлар натижалари масъул ОТМ томонидан 24 соат ичида тақдим этилган маълумотлари асосида olimpiada.edu.uz портали орқали эълон қилинади.

2.8. Олимпиада иштирокчиларининг ахборот-коммуникация технологияларининг имконияти ва қурилмаларидаги техник носозликлар бўйича шикоят ва аризалар кўриб чиқилмайди.

2.9 Олимпиадани ўтказиш жараёни ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситаларида ҳамда Вазирлик, ОТМ расмий веб-сайтларида ёритилади.

III.606. ФАН ОЛИМПИАДАСИНИНГ ТУРИ ВА ШАКЛИ

3.1. «Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик» ўқув курси бирлашган фанлар мажмуидан иборат бўлиб, онлайн-ижодий республика фан олимпиадасини уч турда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

«Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадаси 2 кун давомида учта турда ўтказилади. Булар: қаламтасвир бўйича графика услубида иш бажариш, рангтасвир бўйича сув бўёқ (акварель) услубида иш бажариш, ҳайкалтарошлик бўйича пластилинда иш бажаришдир.

3.2. «Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик» фанидан онлайн олимпиаданинг ҳар бир турини бажаришда икки ракурсли видеокузатув қурилмалари билан жихозланган хонада олиб борилиши талаб этилади. 1-видеокамера тўлиқ аудиторияни ва ижодкорни чап ёки ўнг орқа томонидан хонанинг юқори бурчагидан тўлиқ видео кузатувга олиши, 2-камера эса ижодкордан орқада (ёки ёнида) штатив қурилма асосида бевосита иш жараёнини яқиндан, тўлиқ видео кузатувга олиш имконини таъминлаши зарур. Ҳар бир турни бажариш учун 3 соатдан жами 9 соат вақт ажратилади.

3.3. **Биринчи тур**да қалам тасвир бўйича А2(А3) форматдаги планшетда антик давр хайкалининг гипсли бошини графика услубида (қалам, қора тушли перо, қора гелъ ручка ёки қора маркерда) бажариш талаб этилади. Бунда антик давр хайкалининг гипсли боши 3÷5 та хайкаллар мажмуасидан қуръа ташлаш асосида аниқланади. Ижодкорнинг хайкалга нисбатан жойлашуви ҳам мавжуд учта вазиятдан бирини қуръа ташлаш асосида аниқланади. Яъни тўғри рўпарадан ёки чап ярим чоракдан ёки ўнг ярим чоракдан вазиятлари.

3.4. **Иккинчи тур**да ранг тасвир бўйича А2(А3) форматдаги планшетда акварель сув бўёқ услубида озиқ-овқат маҳсулотларидан ташкил топган натюрморт композициясини бажариш талаб этилади. Бунда: картошка (диаметри 7÷10 см), сариқ бош пиёз (диаметри 5÷7 см), сариқ сабзи (узунлиги 15÷20 см), қизил помидор (диаметри 5÷7 см), бодринг (узунлиги 12÷15 см) каби озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳар биридан уч донадан олиниб, натюрморт композициясини тузишда 1 дан 3 гача бўлган рақамларни ҳар бир озиқ-овқат маҳсулоти бўйича алоҳида қуръа ташлаш асосида композициядаги реқвизитлар сони аниқланади. Композициядаги озиқ-овқат маҳсулотларининг жойлашуви ҳакамлар ҳайъати томонидан онлайн тарзида белгилаб берилади. Натюрморт композицияси драпировка билан ёпинган алоҳида таглик стул устида

бажарилади. Драпировка мовий, оч яшил, оч сариқ, оч қизил ва оқ каби ранглардан иборат матоларнинг бирини қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

3.5. **Учинчи турда** ҳайкалтарошлик бўйича антик давр хайкалининг гипсли бошини пластилидан бажариш талаб этилади. Бунда пластилин бир хил таркибий ранглар аралашмасидан иборат бўлиши, бажариладиган ишнинг ҳажми 20÷25 см гача баландликка эга бўлиши керак. Антик давр хайкалининг гипсли боши 3÷5 та хайкаллар мажмуасидан қуръа ташлаш асосида аниқланади.

3.6. Олимпиядани онлайн ўтказиш мақсадида “ҚРХ - олимпиада 2020” махсус телеграм-гуруҳ яратилади. “Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик” фани бўйича қатнашувчилар ушбу гуруҳга уланишлари мумкин.

3.7. Олимпиядани 1-тури белгиланган куни эрталаб 8:30 да бошланади унда қатнашувчи талабалар 30 минут давомида регистрациядан ўтишади. 1-тур соат 9:00 да бошланиб, 12:00 да якунланади, 2-тур 13:00 да бошланиб, 16:00 да якунланади. 3-тур кейинги кун 9:00 да бошланиб, 12:00 да якунланади. Иштирокчилар танланган вариант бўйича ижодий ишни бажарадилар ва ҳар тур якунида 5÷10 дақиқа ичида бажарган ишларни комиссия аъзоларига телеграмм гуруҳ орқали суратга олиб топширадилар. Топшириладиган иш битта (1та) умимийлаштирилган (компановка қилинган) файлдан (расмдан) ташкил топган бўлиши шарт.

3.8 Расм файллар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт.

Расм: ранг режими – RGB; ҳажми – максимум 50 Mb; формати – jpg., png., tiff.

Ҳар бир тур якунида ижодий ишлар юқори сифатда суратга олиниши (пиксели 400÷600 dpi ҳажмли) ва тур якуни бўйича 5÷10 дақиқагача бўлган вақт оралиғида суратлар таҳрирланмасдан ташкилотчи ОТМ комиссиясининг махсус телеграм гуруҳига юборилади. Сифати паст ва нотўғри ракурсда (қийшиқ, перспектив ҳолатда) олинган суратлар ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилмайди.

3.9. Комиссия аъзолари бевосита талабалар томонидан бажарилаётган иш жараёнини онлайн тарзда кузатиб боришади.

3.10 Комиссия аъзолари топширилган ижодий ишларни баҳолашда алоҳида яратилган видео-конференция ёки телеграмм-гуруҳ орқали амалга оширишади.

IV. боб. БАҲОЛАШ МЕЗОНИ ВА БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТ

«Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадаси бўйича тур кесимида баҳолаш мезони қуйидагича амалга оширилади:

№	Бажарилган иш мазмуни ва давомийлиги	Ажратилган балл (100 баллик тизимда)	Ажратилган балл (5 баллик тизимда)
1-тур. Қалам тасвир бўйича графика услубида иш бажариш (3 соат)		100 балл	5 балл
1.	Берилган натуранинг қоғоз форматида композицион тўғри жойлаштирилганлиги.	10	0,5
2.	Натуранинг перспектива қонунлари асосида конструктив тузилиши, натура нисбатлари, уфқ (горизонт) чизиғи тўғри топилганлиги, рисунканинг натурага мослиги.	30	1,5
3.	Соя-ёруғлик қонуниятларига амал қилинганлиги, натурадаги конструктив ҳажмларни берилиши, материаллик факутраси (гипс, мато ва х.) тўғри топилганлиги.	30	1,5
4.	Графика техникасидаги штриховка, тушовка қонуниятларини тўғри қўллай олганлиги (бош план ва иккинчи план).	10	0,5
5.	Ишни умумлаштирилганлиги ва яқунланганлик даражаси.	20	1
2-тур. Ранг тасвир бўйича сув бўёқ (акварель) услубида иш бажариш (3 соат)		100 балл	5 балл
1	Берилган композициянинг қоғоз форматида тўғри жойлаштирилганлиги.	10	0,5
2	Натуранинг перспектива қонунлари асосида конструктив тузилиши, натура нисбатлари, уфқ (горизонт) чизиғи тўғри топилганлиги, рисунканинг натурага мослиги.	10	0,5
3	Ранглардаги соя-ёруғлик қонуниятларига амал қилинганлиги, натурадаги конструктив ҳажмларни берилиши, материаллик факутраси тўғри топилганлиги.	30	1,5
4	Иссиқ ва совуқ рангларнинг тиниқлилик даражаси, ранг қатламларини тўғри қўлланилганлиги	30	1,5
5	Ишни умумлаштирилганлиги ва яқунланганлик даражаси.	20	1
3-тур. Ҳайкалтарошлик бўйича пластилинда иш бажариш (3 соат)		100 балл	5 балл
1	Ҳайкал габарит ўлчамлари параметрининг талабларга мослиги	30	1,5
2	Ҳайкалдаги конструктив элементлар нисбатларининг реал объектга мослиги.	30	1,5
3	Ҳайкалдаги конструктив элементлар пластикаси, материаллик даражасининг акс эттирилиши.	40	2

V-боб. Олимпиадани якунлаш тартиби

Олимпиада натижалари Ташкилий кўмита томонидан вазирликнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармасига жўнатилади. Натижалар вазирлик томонидан эълон қилинади.

VI-боб. Низоларни кўриш тартиби

Олимпиада натижалари эълон қилингандан сўнг 24 соат ичида тушган ёзма шикоят ва аризалар Ташкилий кўмита томонидан онлайн шаклда жисмоний ва юридик шахслар мурожаати тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳал этилади.

Эслатма! Агарда талаба фан олимпиадаси давом этаётган даврда ўзи ёки ўзи таҳсил олаётган ОТМ томонидан йўл қўйилган техник носозликлар сабабли онлайн алоқадан чиқиб кетса;

Илмий раҳбари ёки бошқа мутахассисдан ёрдам олса;

Тайёр (олдиндан тайёрлаб қўйилган) лойиҳалардан фойдаланишга уринса ва шу каби номақбул ишларни амалга оширса, бу ҳолатда шаффофлик ва ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида талаба фан олимпиадасидан четлаштирилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Ушбу ҳолат бошқа ОТМларида такрорланмаслигини таъминлаш мақсадида ушбу талаба ва у таҳсил олаётган ОТМ раҳбариятига қатъий чора кўрилиши учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига расмий хат билан мурожаат қилинади.